

РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШДА ИЛҒОР ҒОЯЛАРНИ ТАДБИҚ ЭТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Муталов Абдуазим

«ALFRAGANUS» университети профессори

Аннотация: Мақолада ҳозир муамоли масала, яъни ўқитишни такомиллаштириш учун илғор педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш асосида такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақобатбардош мутахассис, илғор педагогик ва ахборот технологиялар, тақдимот усули, кўчма дарслар

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан мамлакатимиз ўқув юртларининг олдида глобаллашув даври талабларига тўлиқ жавоб бераоладиган, ўз йўналишлари бўйича рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш вазифаси қўйилган. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Биз кўплаб дастурларни қабул қилмоқдамиз, лекин уларни амалга оширадиган, ташаббускор ва ватанпарвар, юқори малакали кадрлар етарлими? Олий ўқув юртларида тайёрланаётган мутахассислар олдимизга қўйилган бундай улкан вазифаларни бажаришга қодирми?”¹”- деб айтган сўзларидан англаб олиш мумкин.

Долзарб бўлган бу ниҳоятда муҳим вазифани бажариш учун ўқув жараенларини тизимли равишда такомиллаштириш мақсадида янгидан-янги инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқиш, шу соҳада илғор хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган илғор технологиялар ва ғояларни Ўзбекистон иктисодиетининг ва ўзбек халқи менталитетининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб жорий этиш талаб қилинади.

Ҳозирги пайтда олий мактабнинг энг асосий вазифалардан бири - иктисодиётимизнинг барча соҳалари учун олий маълумотли ўз мутахассислигини сеувчи, чуқур илмий ва пухта амалий билимларга эга булган рақобатбардош мутахассислар тайёрлашдан иборатдир.

Бу йўлда дастлабки қадам бўлиб, олий ўқув юртлари талабаларининг ўз бўлажак мутахассисликларини тўғри танлашлари ва моҳиятини тўлиқ тушунишлари, олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битиргач, бўлажак иш жойларида ҳар қандай қийинчиликларга дуч келиши мумкинлигини, қандай

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқидан. 20 октябрь 2016 й.

карьеравий ва молиявий имкониятларга эга бўлиши мумкинлигини билишлари хизмат қилади.

Юқоридагилардан ташқари, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун юксак малакали ўз ишининг “пири” бўлган педагогларнинг роли беқиёсдир, аммо бу соҳада ҳозирги пайтда айрим камчиликлар мавжуд, яъни, муҳтарам Президентимиз таъбирлари билан айтганда “Шу ўринда табиий савол туғилади. Уларга таълим бераётган ўқитувчи ва профессорларнинг билим ва малакаси давр талабига жавоб берадими? Минг афсуски, бу саволларга жавоб бериш осон эмас.”².

Юқоридаги камчиликларни бартараф қилишда профессор-ўқитувчиларнинг ўз фанини қанчалик чуқур билишини, ўқитишнинг янги илғор педагогик ва ахборот технологияларини муваффақият билан амалга ошира олиш қобилиятини, ҳамда талабаларнинг ўрганаётган фанларини замонавий талабларга жавоб бераоладиган даражада чуқур ўзлаштираётганлигини ва келажакда ўз фаолиятларида қанчалик даражада қўллаш олишларини аниқлашга имкон берадиган янги назорат усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда амалда қулланиланилаётган куйидаги самарали ўқув усулларини келтириш мумкин:

1. Ўқув ишларини юксак профессионал даражада ташкил қилиш имконини берадиган ўқув - услубий мажмуалар;

2. Оралиқ назорат тури сифатида тақдимот усулини қўллаш.

Бу усулнинг моҳияти куйидагилардан иборат:

- ҳар бир ўқув гуруҳи алоҳида кичик гуруҳчаларга бўлиб чиқилади ва ҳар бир кичик гуруҳга 2 - 3та талабалар киритилади.

- тақдимот учун тегишли фан бўйича ишчи дастурига киритилган мавзулардан бирини олинади ва мавзувий-тақвим режани ҳисобга олиб, кичик гуруҳга топширилади.

- гуруҳга киритилган талабалар ўзаро келишиб, гуруҳга бириктирилган мавзунинг ҳар бир саволини алоҳида талабага топширадilar. Бу ҳолда асосий эътиборни тақдимотни бир хил сиёсатга бўйсуниб, ўзаро келишган ҳолда тайёрланишига қаратилади, лозим бўлганда маърузачи ёки амалиёт ўқитувчиси тақдимот мавзулари ва алоҳида саволлари бўйича маслаҳатлар беришлари мумкин. Шунингдек, ўқитувчилар тақдимотнинг ўз вақтида тайёрланиши ва комиссия олдида тақдимотни ўтказиши устидан назорат қилади. Шу билан бирга, тақдимотнинг сифатига ва ўз вақтида ўтказилишига талабалар бирга жавобгар ҳисобланадилар.

2. Президент Ш.М. Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқидан. 20 Октабр 2016 й.

Такдимот натижаларини баҳолаш бўйича шу фан маърузачиси ва кафедра аъзоларидан иборат 3 кишилик комиссия ташкил қилинади ва комиссия такдимотда қатнашаётган ҳар бир талабанинг такдимотда қатнашувини алоҳида баҳолайди ва барча такдимот ўтказиб бўлингандан кейин кичик гуруҳнинг барча аъзоларига қўйилган баҳоларининг ўртача рақамини ҳисоблаб чиқиб умумий баҳо қўяди, шу баҳо шу гуруҳнинг барча аъзоларига бир хил қўйилади.

3. Рақобатбардош мутахассислар тайёрлашнинг академизм ва профессионализм усулларини уйғунлаштириб олиб бориш.

Бу соҳада мутахассислар тайёрлаш икки йўналишда амалга оширилади:

а). тадбиркорлик ўйинларини ўйнаш усули;

б). амалий дарсларни жойлардаги солиқ инспекцияларида ўтказиш усули билан.

а). замонавий ўқув режалари ва дастурлари рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда академизм билан бирга профессионализм кўникмаларини ҳам сингдириб боришни тақозо этади. Бу олий ўқув юртини битириб келган мутахассиснинг хўжалик юритувчи субъектнинг иш фаолиятига тезда катта қийинчиликларсиз интеграциялашиб кетишини таъминлаши мумкин. Бунинг учун турли хил сценарийси пухта ишланган тадбиркорлик ўйинлари ишлаб чиқилиши зарур ва улар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни, субъектнинг шу даврдаги конкрет шароитларидан келиб чиқиб муваффақиятли ечиш имконини берувчи чоратадбирларни қўллашни, чуқур молиявий-иқтисодий таҳлил қилиш йўли билан конкрет чоралар ва ечимларни қидириб топиш, уларнинг энг самарали йўллари танлаб хўжалик юритувчи субъектнинг амалий фаолиятига жорий қилишни ўргатиши лозим.

б). амалий дарсларни жойлардаги солиқ инспекцияларида ўтказиш усулида талабалар навбат билан инспекциянинг ҳар бир бўлимида шу бўлимнинг алоҳида ходимига дублер сифатида бириктирилади ва ходим билан бирга конкрет вазифани бажаришда қатнашади ва шу бажарган ишининг мохиятини чуқур ўзлаштириб олиши лозим.

Семестр охирида инспекция ходимлари ва амалиёт ўқитувчиси билан биргаликда талабалар билан ялпи суҳбат ўтказадилар, талабаларда пайдо бўлган саволларга жавоблар берадилар ва бўлажак иш жойларида муваффақиятли фаолият олиб боришларини тилаб қоладилар ва лозим бўлса шу инспекциянинг ўзига ишга таклиф қилишлари мумкин.

Хулоса

Шундай қилиб, юқорида келтирилган рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича самарали ўқув усулларини амалда қўллаш ҳақиқатда ўз мутахассислигини сеувчи, жонкуяри ва билимдони бўлган, замонавий

фанларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали олий маълумотли профессионаллар етиштиришга эришамиз, бу эса иқтисодиётимизнинг юксалишига ва аҳоли фаровонлигининг ошишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/>
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/>
3. Xudoyqulov S. / Soliq nazariyasi. / Darslik. T: Iqtisodiyot. 2019.
4. Vahobov A.V., Jo`rayev A.S. / Soliq va soliqqa tortish. / Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.
5. Niyazmetov I.M. / Soliq tizimi. / T: Akademiya. 2018.
6. Mutalov A., Mtalova D. / Kichik biznes va tadbirkorlikni soliqqa tortish. T.: Iqtisodiyot, 2013.